

**Уйда қолинг!**

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил  
4 апрель

ШАНБА  
№ 27-28 (13289)

@haqiqatonline

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Янги йўлда Янги бозор

Янгийўл туманининг Гўлбаҳор шаҳарчасида аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида деҳқон бозори қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қулайлик



Авваллари аҳоли деҳқончилик маҳсулотлари хариди учун бир неча чақирим йўл босиб, Янгийўл шаҳрига боришга мажбур буларди. Эндиликда янги, сархил, энг муҳими арзон савзавот ва мева-чева ҳамда кукатларни шу ернинг узидан харид қилиш имкони яралди.

Янги замонавий шаҳобчада 500 та савдо ўрни ташкил этилган бўлиб, карантин даврида патта йилги талаб этилмайдди. Бу табиийки маҳсулотларнинг арзон нархларда сотилишига ердан беради.

Ўз муҳбиримиз  
Майсур ҲИММАТОВ  
олган суратлар

**Хабарингиз борми?**

### КАРТОШКАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Тошкент вилоятида замонавий картошкачилик кластери ташкил этиладиган бўлди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил уруғлик сифатига боғлиқ. Жумладан, миришкорлар, бирор ноз-неъмат этиштиришда, аввало, унинг эртапишарлигига алоҳида эътибор қаратилади. Қолаверса, касалликларга чидамлилик ҳозирги шароитда ўта муҳим омил. Бундан ташқари, кичик майдондан катта ҳосил олиш деҳқон учун энг катта ютуқ.

Хукумат қарори асосида мақсадларни кўзда тутди. Хусусан, картошкачилик соҳасида вируссиз "in vitro" технологияси асосида уруғликни кўпайтиришга ҳозир эҳтиёж ниҳоятда катта. Илмий асосланган алмашлаб экиш тизимида қўлланиладиган тажрибалар ҳам бу соҳада қўл келади. Маҳаллий ва хорижий

селекция ҳамда биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш, уруғчилик бўйича маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиш айти зарурат.

Хужжатта мувофиқ, "Bo'stonliq kartoshkachilik markazi" МЧЖга Бўстонлиқ туманидаги фойдаланилмаётган ва захирадаги ерлар ҳисобида жами 1400 гектар ер ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилди.

Бинобарин, бундан кейин тадбиркорлик субъектлари томонидан республикада ишлаб чиқарилган қуруқ картошкани экспортини амалга оширишга рухсат берилди. **ЎЗА**

**Мурожаатлар**

## НАҚИҚАТ ONLINE назоратида

### “ОЛТИ ОЙЛИК МАОШИМНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?”

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги матбуот котиби газетамизда эълон қилинган танқидий мақолага муносабат билдирди: “Тошкент ҳақиқати” газетасида Пискент туманида яшовчи фуқаро 2019 йилдан буён ҳудуддаги “Nature Cotton” МЧЖга қараши ёқилги кўйиш шаҳобчасида ишлаётгани, аммо, 2019 йилда кластер таркибига ўтган шаҳобча-

дан 6 ойдан бери ойлик маошини ололмаётгани танқид қилинган. Юқоридаги ҳолат давлат меҳнат инспекцияси томонидан ўрганилди. Аниқланишича, фуқаро “Nature Cotton” МЧЖга 2019 йил 25 январда ФЁҚШ оператори вазифасига ишга қабул қилинган, унинг бир ойлик иш ҳақи штатлар жад-



валига кўра, 607 785 сўмини ташкил этади. 2019 йил 1 август ҳолатига 1 725 000 сўм, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, 459 000 сўм олинмаган ойлик маоши мавжуд.

Лекин фуқаро 2020 йил январь ойдан бошлаб сабабсиз ишга келмаганлиги учун корхона томонидан қарзни ёпиш имкони бўлмаган. Март ойида корхона томонидан фуқаронинг иш ҳақи тўлиқ қоплаб берилиши айтилган.

Қолаверса, ходимнинг январь ойдан бошлаб ишга келмаганлиги маошини берилмаслигига сабаб бўла оладими? Январдан ишга келмаган ходим декабрда, ноябрда, октябрда, сентябрда... ишда бўлган-ку! **6**

## Пандемия узоққа бормаёғи: Хитойда коронавирус тўхтатилиши олдиндан аниқ айтган олимдан жавоб

Глобал коронавирус пандемияси қанча вақт давом этади? Хитойда коронавирус эпидемияси қачон тўхтатилиши деярли аниқ топган олим, Нобель мукофоти соҳиби Майкл Левитт бунга жавоб берди.


**Яхши хабар**

Майкл Левитт Хитойдаги пандемия қачон тўхтатилиши 98 фоиз аниқликда айтиб берганди. 72 ёшли биофизик олимга кўра, коронавирус пандемияси, кўпчилик кутганидан кўра, эрта-роқ тугайди.

Левитт кўнига 50 дан ортик коронавирус юқтириш ҳолатлари кузатилаётган 78 мамлакатдаги вазиятни ўрганиб, ҳисоблаб чиқди. Кундалик кузатувлар касалликни юқтириш ҳолатлари мунтазам пасайиб бораётганини

кўрсатмоқда. «Рақамлар ҳали улкан, аммо пасайишдан умид қилишимиз учун аниқ сигналлар бор», — дея олимнинг сўзларини келтирган хабар.uz сайти.

Расмий статистика маълумотлари пасайтириб кўрсатилган ёки ноаниқ бўлиши эҳтимолини ҳам Левитт назардан қочирмади. Унинг таъкидлашича, барибир шу ҳолатда ҳам юқоридаги фактор ўз кучида қолади. Пандемия тез орада тугаши-



га Левиттнинг ишончи комил. Биз ваҳимага берилмасак бас, қолгани жойида бўлади, таъкидлайди у. Эслайтиб ўтамыз, 2020 йилнинг февраль ойи бошида Майкл Левитт ҳамкасблари билан тақдим

этган ҳисоботда Хитойда янги турдаги коронавирус тарқалиши ўз чўққисига чиқиб бўлгани, коронавирусни юқтирувчилар ва ундан вафот этувчилар сони яқин ҳафталарда сезиларли даражада қисқариши кўрсатилган эди.

## ШИФОКОРЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ



**Коронавирус инфекциясига чалинган беморларнинг яна 13 нафари бутунлай тўзатишди.**







**Бугун бутун мамлакатимиз бўйлаб коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кескин кураш кетаётган бир вақтда миришкор деҳқонларимиз ортиқча ваҳима ва хавотирларга берилмасдан, ўз далаларида баҳорги экин-тикин юмушлари билан банд бўлишмоқда.**

**Қишлоқ ҳаёти**

**МАВСУМ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИ**



Вилоятимизда ҳам айни вақтда ерларни чигит экишга тайёрлаш, мавсумда иштирок этадиган техникаларни "отряд" тизимида ишлатиш, чигит экиш мавсумини тез кунларда ва сифатли яқунлаш ҳаракатлари катта уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Вилоятда жорий йил пахта ҳосили учун жами 73 минг гектар майдонга чигит қадалиши режалаштирилган. Шундан 25 минг гектарга "С-6524", 24,8 минг гектарга "Султон", 10 минг гектарга "Порлоқ-4", 6 минг гектарга "Наманган-77" ва қолган 7,2 минг гектарга бошқа истиқболли навларни жойлаштириш кўзда тутилган.

Вилоятнинг барча туманларида жараёни узоғи билан 10 кун ичида яқунлаш бўйича барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, Қуйи Чирчиқ туманининг ўзида 2020 йил пахта ҳосили учун "ТСТ агро кластер" МЧЖ томонидан 10 минг гектар ерга чигит экиш режалаштирилган. Бунга амалга ошириш учун 70 та юқори унумли техникалар мола-боронаси билан, 25 та юқори унумли чигит экиш селжалари, 25 та чигит ташиш техникалари, 4 та кўчма устахоналар ва 4 та ёқилги ташиш техника-

лари тўхтовсиз ишлаб турибди.

Айни вақтда вилоят миқёсида кунига 6,5-7 минг гектар ер чигит экишга тайёрланмоқда. Жами 231 та отряд ҳамда 404 та қишлоқ хўжалиги техникаси билан ўтган-кунга қадар қарийб 50 минг гектар майдон экин-тикинга тахт қилиб кўйилди.

Мавсумда ер текислаш, тўлиқ контурлар ҳосил қилиш, карта бош-этақлари, дала четлари, уватлар, симёғоч тағларини ҳам қамраб олиш, ажриқ босган майдонларни яхшилаб тозалаш, даланинг бош ва этагини 8 қатордан қилиб сифатли тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Шунингдек, экиш асосида гектарига 195 кгдан 14 минг 226 тонна фосфорли, 64 кгдан 4 минг 673 тонна калийли ўғитлар бериш мўлжалланмоқда.

Бунинг учун талаб этиладиган барча моддий ресурслар, уруғлик чигит, ёқилги-мойлаш материаллари, минерал ўғит, эҳтиёт қисмлар

ва мавсумда қатнашадиган ишчи-ҳодимлар, механизаторларга тўланадиган иш ҳақи заҳиралари вилоят таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналари томонидан тўлиқ шакллантирилди.

Чигит экишга вилоят бўйича 170,5 млрд сўм сарфланиши ҳисоб-китоб қилинган бўлиб, шундан салкам 3,7 млрд сўми мавсумда меҳнат қиладиган ишчи-хизматчилар учун иш ҳақи сифатида тўланади.

Мақсад – бу йилги масъулиятли мавсумни ҳам қисқа муддатларда, сифатли ва самарали яқунлаш, вилоятнинг 229 минг 600 тонналик улкан хирмонини барпо этиш учун мустақкам пойдевор қўйишидир.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

*Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги олдидан*

**МАШАККАТ ВА ҚАҲРАМОНЛИК СИНОВИ**

**Иккинчи жаҳон урушига биргина вилоятимизнинг Оққўрғон туманидан 3 минг 511 нафар юрт ўғли сафарбар этилди. Уларнинг аксари жанг майдонида ҳалок бўлди, бедарак йўқолди. Фақат 572 нафари уйларига қайтишди. Ҳозир туманда биргина уруш қатнашчиси – 97 ёшли Файзулла ота Нурматов умргузаронлик қилмоқда.**



Оққўрғонлик Бойбўта Бойтўраев ҳам урушнинг биринчи кунлариданоқ жанг майдонларига сафарбар этилди. У тушган қисм Ленинград шаҳрида ҳарбий техникалар бошқаришга пухта ўргатилган, фронтнинг энг олдинги сафларида – Украина, Белоруссия, Польша ерларини босқинчилардан озод қилишда фаол қатнашди. Б. Бойтўраев жанг майдонларида кўрсатган жасорати учун бир неча бор орден ва медаллар билан тақдирланди. Уруш охирида у жанг олиб борган дивизия узоқ шарқ фронтига ташланди.

Фақат 1946 йили урушдан соғ ва омон жонажон она юртига қайтган Б. Бойтўраев ҳисобчилик касбини пухта эгаллади. Шу касбда 31 йил самарали меҳнат қилиб, 77 ёшида пенсияга чиқди. Бойбўта ота турмуш ўртоғи Саодатхон ая билан 9 фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди.

тоб ишлари доим пухта олиб борилгани учун ишчилар ўз вақтида маошларини олишар, йиллик ҳисобот ҳам ўз вақтида топшириллар эди.

– Отам бизга уруш хотираларидан кўп сўзлаб берардилар, – дейди оиланинг тўнғич фарзанди Бойқўзи. – Шунингдек, тинчлик – дунёдаги энг улуг неъмат эканини доим таъкидлардилар. Уларнинг тарбияларини олиб кам бўлмайлигимиз.

Пардабой ЭРГАШЕВ

**ОТМга кириш имтиҳонлари янада соддалаштирилади**

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари янада соддалаштирилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори лойиҳасида келтириб ўтилган.

Хужжатда белгиланишича: мактаб битирувчилари учун тест синови топшириладиган фанлар, баҳолаш мезонлари, топшириқлар сони, тест синовлари ва танловда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтишнинг аниқ муддатлари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белги-ланади;

Халқ таълими вазирлиги тест синови фанлари бўйича натижасини умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестатга қўйиш ва ягона маълумотлар базасига кириштиш учун минимал кўрсаткични (қониқариллик даражасини) белги-лайди, мактаб битирувчилари ҳақидаги тегишли маълумотларни хар йили 1 февралга қадар Давлат тест марказининг махсус дастурига киритилишини таъмин-лайди ҳамда тест синовларини белгиланган талаблар асосида ташкил этилишида масъул ҳисоб-ланади;

мактаб битирувчилари мажбурий учта фан ва ўзи танлаган бакалаврият таълим йўналишига мос иккита фандан тест синовларини топширади;

мактаб битирувчиси танлаган бакалаврият таълим йўналишига мос иккита фаннинг ҳамданидан ўтказилган тест синови натижаси қониқарли бўлганда, уларнинг натижаси умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестатга баҳолаш мезонига мувофиқлаштирилган ҳолда қўйилади ва қўшимча тест синовларисиз белгиланган тартибда тест синови топширган мос ўқув тили ва таълим йўналиши бўйича танловда қатнашади;

мактаб битирувчиси танлаган бакалаврият таълим йўналишига мос иккита фаннинг ҳамданидан биридан тест синови натижаси қониқарсиз бўлганда, у мактаб томонидан ўтказиладиган якуний давлат аттестациясида мажбурий равишда иштирок этади;

тест синовларида иштирок этмаган ёки унда қониқарсиз баҳоланганларга белгиланган тартибда, барча абитуриентлар қатори июль-август ойларида тест синовларида қатнашиш ҳуқуқи берилади.

ЎЗА



**Айни дамдаги энг муҳим масалалардан бири, шубҳасиз, карантин даврида озиқ-овқат захирасини яратиш ҳамда аҳолини арзон маҳсулотлар билан барқарор таъминлашдир.**

**Қулайлик**



Мунаққид рубойи таҳлили жараёнидан аввал китобхонларга Насимийнинг шахсияти ҳақида озгина маълумот бериб ўтади.

"Насимий форс, араб тиллари ва адабиётини чуқур ўрганган. Мантик, риёзиёт, табиат ва астрономия фанларини ўзлаштирган. Мансур Халлолжа эътиמוד кўйгани, ўзини унинг шоғирди ҳисоблаганидан илк шеърларини Хусайини тахаллуси билан ёзган. XIV асрда Озарбайжонда тасаввуфдан ўсиб чиққан ҳуруфийлар оқими кенг ёйилиб, унда инсон омили муҳим ўрин тутган; инсон ва унинг эрки улугланади; инсонга илоҳий қувватнинг зуҳури ва тажассуми сифатида қаралади."

Насимий – ўзининг исёнкор ва хасос шеърлари билан дунёнинг кўпгина мамлакатларида машҳур. У озарбайжон адабиёти тарихида мардлик, жасорат, қаҳрамонлик тимсоли сифатида шухрат қолдирган.

Шоир ўз рубойларида Инсонга ҳамма юксак бадий чорловлар билан мурожаат қилган, уни мудом комилликка чорлаган. Рубойларида бу фикрнинг исботини яққол кўриш мумкин.

Ул нуқтаки, маркази жаҳондир – сенсан, –

Ул қатраки, асли кун-фаякундир – сенсан.

Ул исмики, Зотдан нишондир – сенсан,

Ул ҳарфки, исми бебаёндир – сенсан.

Таҳлилнинг биринчи босқичи (буни жадал асосида тайёрласа ҳам бўлади) тушунарсиз сўзларнинг изоҳини бериб ўтиш билан бошланади. Берилган ушбу рубойида кун-фаякун, ҳарф ва бебаён сўзларини изоҳлаб сифатида олиш мумкин. "Кун-фаякун" – арабча "бор" ва "бўлажак" деган маъноларни беради. "Бебаён" форс-тожик тилида "баёнсиз" ва "баён этилмайдиган" каби маъноларни беради. "Ҳарф" эса "сўз" маъносига келган.

Таҳлил қилишни мисраларни қатор-ма-қатор баён этишдан бошлаш мумкин. Таҳлил аниқлигига эришиш мақсадида мисраларни рақамлаймиз:

1. Сен, (гарчи коинот миқёсида) нуқта(дек кичик) эрсангда, дунёнинг маркази (асоси)сан.
2. Сен шундай қатрасанки, борлиқ, абадийлик сенда акс этур.
3. Олий Зотнинг барча исмлари

**АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ ҚОНДИРИЛМОҚДА**

Оҳангарон туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги, тегишли департаментнинг туман бўлими, ички ишлар ва солиқ идоралари билан ҳамкорликда туманимиз аҳолисини арзон, зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ун, шакар, макарон, ёғ, пивё, картошка билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Аҳолига енгиллик яратиш мақсадида, туманимизнинг олис ҳудудларида кўчма дўконлар ҳам ташкил этилмоқда. Хусусан, Овқазсой, Четсув, Эртош ва Кўчбулоқ қишлоқларида уюштирилган сайёр ярмаркалар аҳоли эҳтиёжлари учун хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлар томонидан иссиқхоналарда

етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини биринчи галда ички бозорда реализация қилиш, яъни туман аҳолисини сотиш ва нарх-навоми сунъий равишда оширмаслик юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, 2-сектор ҳудудидаги эҳтиёжман оилаларга бепул химоя ниқоблари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Сектор масъуллари томонидан мунтазам равишда аҳоли орасида карантин қоидаларига тўлиқ амал қилиш юзасидан тушунтириш олиб борилмоқда.

Иқбол ҚАМБАРОВ, Оҳангарон тумани прокурори, 2-сектор раҳбари

милликка эришиши – ҳақиқатга етишмоғи лозим. У ўзлигини англаб, Аллоҳни ўзида кашф этмоғи керак. Яъни, бу нима дегани? Ўзбек шоири Эркин Воҳидов айтганидай, "Биз инсонимиз соҳиб дунё, Қудратлигимиз, мағруримиз, тўқимиз..."

Бинобарин: *Менман ломакон ганжи – маконга сийгам, Юксак бу руҳим – жисм ила жонга сийгам!*

*Инсондаги бор ваҳму хаёл менда эса, Босмас ваҳима, ақли аёнга сийгам, – деб айтганку Насимий.*

"Ломакон" сўзи – "маконсиз" дегани; "ганж" эса "бойлик", "ҳазина" каби маъноларни беради.

Изоҳ: 1. Мен макон тушунчасидан йироқман.

**101 огоҳлантиради**

**ХОТИРЖАМЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА**

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодийга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз бу офатга қарши ёхуд унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур.

Хусусан, корхона ва ташкилотлар биноларида, шунингдек, аҳоли тураржойларида ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилиш орқали йўқотишларнинг олдини олган бўлаемиз. Айниқса, электр тизимларидаги арзимасдек туюлган носозликлар

ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик даркор. Шунингдек, ёниб турган электр ёки газ плитасини қаровсиз қолдириш, уларни бошқаришни болаларга ишониб топшириш ҳам хавфсизлигимизга таҳдид солувчи омиллардан эканлигини унутманг.

Маҳмуд ҚАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси маъмурий биноларида ЎХТТЭ 3-бўлими маси инспектори

**Мутолаа**

3-4. Мен ақлга сиймайман. "Ақл – кофир", дейишади. У кўрган ва билган, тасаввур эта оладиган нарсасининг тани олади. У теорема талаб қилади. Инсон эса шундай олий хилқатки, одамзотнинг бор ваҳму хаёлини тўплаб ҳам унинг моҳиятини очиб бўлмайди.

Демак, шоир инсон хилқатини эътироф этиш йўли билан унинг муаллифу мусаввири бўлиши Аллоҳни эътироф этади.

1. Аллоҳ бутун борлиқда муҷассам. Уни биргина жисмда тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳаммага бир қийин саволни бериб кўриш мумкин: Инсон нимани тасаввур қила олмайди?

2. Бу саволнинг жавоби: Инсон йўқлики тасаввур қила олмайди. Худди шунга ўхшаб, Биз Аллоҳни ер юзидagi маълум бир объектлардан кўра би-лишимиз тўғри эмас. "Аллоҳ – бизнинг қалбимизда, юрагимизда". У – Олий Руҳ. Бизни тирик тутиб юрадиган омонат жон тушуначиси, яъни фонийлик (муваққатлик) Унга бегона.

3-4. Аллоҳ – аксиома, ундан исбот талаб қилинмайди. Юқорида айтганимиздек, Унга қалбдан, руҳдан имон келтирмоғимиз керак. Хулосамизни рубойи матнига боғласак, Инсоннинг руҳи маконсизми, демак, у ўзининг юксак имонини худди руҳи каби пок тутиб юрсин. Асли тупроқдан бўлмиш жисмдан, ўз "мени"нинг вазвасаларидан воз кечсин!

Рубойининг учинчи ва тўртинчи мисралари қўлини мураккаб қўшма гип усулида боғланади. Шунинг учун таҳ-лилда бу мисралар бир давомли фикр-ни бериши мумкин.

Рубойининг ўзига хос томони шун-даки, сўнги мисрада том маънодаги хулосавий фикр берилади. Таҳлил жа-раёнида фикрлар чалғиб қолмаслиги учун жуда ҳам узоққа кетиб бўлмайди ва ёки матнинг тор доирасида айла-ниб туриш ҳам етмайди. Фикр, бу – гўё-ки ёввойи куёнга ўхшади. Биз уни тоғ кенгликлари бўйлаб қувиб юриб, шун-доқина қулқоқларидан ушлаб кўтаргани-мизда хулосанинг "тилла балиқчаси" қармоғимизга илинган бўлади.

Шоҳрўз УМАРЖОНОВ, Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси

**"Ул Нуқтаки, маркази жаҳондир..."**



изоҳлаш бошланади. Жадалда бу устун оддийгина "Талқин" деб номланади.

1. Агар "Рубойида бевосита инсонга мурожаат этиляпти" деб олсак, бунда бутун олам инсон шарифи учун бунёд этилгани ва инсон шу оламнинг моҳияти эканлиги айтиб ўтилган.
2. Инсон руҳи Аллоҳнинг бир бўлагидир. Унда Аллоҳнинг сифатлари мужассамлашган бўлади. У абадийликнинг "бир қатраси". Бу қатра денгизга қуйилиши керак.
3. Инсон ҳамда Одам сўзларининг ўзи Аллоҳ сўзи каби араб алифбосида "Алиф" ҳарфи билан бошланади. Лекин, ушбу изоҳлар билангина чекланишимиз тўғри эмас. Чунки, таҳлил объективликни талаб қилади.
4. Хуруфийлик таълимоти вакили бўлган Насимий ҳаммаша дин
2. Яъни одамга тегишли нарса яхшилик учун хизмат қилади, ёмон одамники эса – аксинча. Бунга айтишдан мақсад шуки, Инсон эзгулик, фидойилик ва абадият учун хизмат қилиши керак.
3. Ахир бу нарсанинг исботи (бизнинг Аллоҳдан, унинг бир бўлаги эканлигимиз) ҳаттоки исмиимизда ҳам кўришиб турибди-ку! Қуръони Каримда ҳам "Бас, қачон уни ростлаб, унга У з руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг унга сажда қилган ҳолларинида йиқилинлар!" ("Сод" сураси, 72- оят) дейилмаганими?
4. Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарига Симуруғни кўриш учун йўлга чиққан ва манзилга етиб борган ўзтизта қуш Симуруғ, бу – аслида ўзлари эканликларини англаб етдилар.
5. Инсон бу дунёга келар экан, ко-

# 5 минг 800 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланади

Тошкент вилоятида жорий йилнинг апрель ойи мобайнида 5 минг 800 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланади.

Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармониغا мувофиқ, Тошкент вилоятида ҳам ҳужжатда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

## Эътибор



Хусусан, вилоят бандлик бош бошқармаси ва унинг тизим ташкилотлари томонидан жорий йилнинг апрель ойида қарийб 6 минг нафар ишсиз ва вақтинча банд бўлмаган фуқаролар бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурдаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан вилоятга ҳақ тўланадиган жамоат ишлари учун 4 миллиондан 425,5 миллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилди.

Ушбу маблағлар ҳисобига вилоятда жами 5 минг 800 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаш режалаштирилмоқда. Жумладан, 3 минг нафар фуқаро маҳаллалардаги ободонлаштириш ва кўчалар мазорлаштириш ишларига, 1 минг 800 нафари ободонлаштириш бошқармаларидаги кўча ва ариқларни тозалаш, дарахт ва деворларни оқлаш юмушларига, 439 нафари эса Санитария-эпидемиология назорат марказлари томонидан дезинфекция қилиш тадбирларига жалб этиш чоралари кўрилмақда.

Бундан ташқари, Бандлик жамғармаси томонидан 615 та оила аъзоларини шахсий томорқа хўжаликларидан банд қилиш ва уларга кўмак бериш мақсадида 1 миллиард 375 миллион сўм маблағ ажратилиб, уларнинг 173,9 миллион сўми иссиқхона қуриш, 647,9 миллион сўми томорқаларга уруғ ва қўчатлар сотиб олиш ҳамда 553,2 миллион сўми сўғориш воситаларини ўрнатиш учун берилиши режалаштирилган. Айтилган қадар маблағ ажратилиши режалаштирилган оилаларнинг рўйхати шакллантирилган.

Қўрилаётган ушбу чора-тадбирлар натижасида 2 минг 800 та камбағал оиладаги ишсизлар, 1 минг 800 нафар COVID-19 эпидемияси сабабли ишсиз қолган фуқаролар, 3 мингдан зиёд чет элга ишлаш учун чиқиб кетганда юрган, лекин чиқа олмаган фуқароларнинг бандлиги таъминланишига эришилди.

Тошкент вилоятида бу каби тадбирлар жорий йилнинг май-июнь ойларида ҳам давом эттирилади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, ЎЗА



# УЙДА ҚОЛИНГ!

## ЗАРУРАТНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

Бир куни Маҳатма Ганди юриши бошлаган поездга етиб олиш учун югуриб кетарди. Бир амаллаб поездга чиқиб олган, тўсатдан унинг бир пой кавуши оёғидан тушиб кетди. Шу пайт Ганди кавушининг иккинчи пойини ҳам тезлик билан ечиб, ўйлаб ўтирмасдан нариги пой кавуши тушган жойга қарата отиб юборди. Унинг бу ишидан ҳайронсирраган дўстлари: “Нима учун

бундай қилдингиз?” деб сўрашди. Ганди жавоб бериб, деди: “Кавушни топиб олган фақир киши, унинг ҳар иккала пойини топишини ва улардан фойдаланишини хоҳладим. Чунки бир пой кавуш унга фойда бермайди. Мен ҳам бир пой кавушдан фойдалана олмайман”.

Бугун айтилган одамлар тезкор қарор қабул қилиш ва зарурат асли нима эканини тушуни олишга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ муҳтож.

## АВВАЛО, ЗАРУРАТНИ ЧАМАЛАБ ОЛАЙЛИК

Катта эҳтимол билан кўпчилигимизни уйдан кўнага олиб чиқаётган куч – озиқ-овқатга эҳтиёж. Уйда ўтириб ижтимоий тармоқларни кузатяпмиз. “Картошка васвасаси” акс этган тасвирлар айланяпти. Бозорлар, озиқ-овқат дўконлари ишлаб қолганига қарамай, ўз жонини хатарга қўйиб (буни англамасдан) одамлар орасига кўр-кўрона ёпирилаётганлар бор. Тўғри, ҳеч ким озгини тикиб ўтиролмайд.




Бироқ жамоат жойларида ма-софа сақлаш, ниқоб тақиш, кўл бериб кўришмаслик каби тез-тез ўқтирилаётган ва му-тахассислар қайта-қайталаб тавсия қилаётган қоидалар

иккинчи планда қолди кетяпти. Худдики вирус уни четлаб ўтади-ю, юкмайди. Умуман, ҳар ким ўз оиласида озиқ-овқатга эҳтиёжини жуда ахши билади. Фақат уларни зарурат нуктаи назаридан қайта чамалаб чиқайлик. Икки кило эмас, бир кило, икки литр эмас, бир литр... Эки нима-лардандир воз кечиб туриш билан ҳам ҳеч ким оч қолмайди.



## КАРАНТИН ҚОЙДАЛАРИ – ЭНГ КАТТА ЗАРУРАТ

Уйдан чиқдик ҳам дейлик. Аввало, карантин қоидаларига беларво қарамайлик. Кичкина лоқайдлик туфайли ҳам касалланганлар сони ошиб борапти: бугун ва эрта орасида рақамларда улкан “сақраш”лар бор. Мисол учун, Нью-Йоркда коронавирусдан 17 дақиқада 1 киши вафот этмоқда. Токиода бир суткада 68 киши коронавирусга чалинган...



Аҳолига “ўзи ва бошқалар тақдирини билан уйнашмаслик”ни тушунтириш учун ҳам дунё интизомини кучайтиряпти. Франция карантин жарималарини 200 еврогача оширишга аҳд қилган. Малайзияда бир ҳафта ичида мингдан ортиқ фуқаро карантин қоидаларини бузганлиги учун қўлга олинган. Сингапурда карантинни бузган фуқаро ҳақто фуқароликдан айрилди...

Карантин тадбирлари эълон қилинган вақтдан бугунга қадар республика бўйича уларга амал қилмаслик билан боғлиқ 20 мингдан зиёд ҳолат аниқланган. Керак-чоқракни рўқча-чаб ҳадеган-

да уйдан ташқари шартномадаги чигаллаштирилади, холос.

Буғун бамайлихотир югуриш – зарурат эмас.

Ойлавий сайр қилиш – зарурат эмас.

Тўй-тантана, йилгин, базм – зарурат эмас.

Зарурат – ниқоб тақиш, зарурат – кўл бериб кўришмаслик, зарурат – одамлар билан масофа сақлаш, зарурат – карантин қоидаларига буткул риоя этиш... Ва зарурат бўлмаса уйда қолиш – мана шу энг катта заруратдир.

P.S.: Юқорида Маҳатма Ганди тутган оқилана йўл билан боғлаб кичик ҳолатни мисол келтирдик. Аслида, бугун айтилган вақтда ҳар биримиз – юраётган поезд ортидан унга чиқиб қолгани уринаётган йўловчиларимиз. Энди тармашдим деганда ноҳақ бир пой кавушимиз тушиб қолди. Нима қилган бўлардик? Фақат зарурат нуктаи назаридан айтинг!

Акмал ЖУМАМУРОДОВ

## Сўраган эдингиз

# Масофавий ишлаш тартибидан хабардормисиз?

Масофадан ишлаш деганда нима тушунилади?

Ходимнинг меҳнат шартномасида кўрсатилган мажбуриятларини иш берувчининг жойлашган ҳудудидан ташқарида, доимий иш жойи, ҳудуд ёки объектдан ташқарида бажариладиган иш усули тушунилади.

Қандай тоифадаги ходимлар вақтинча масофавий ишлаш тартибига ўтиши мумкин?

Биринчи навбатда ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва сурункали касалликларга чалинган ходимлар. Улардан кейин, бошқа ходимлар масофавий ишлаш тартибига ўтиши мумкин.

Масофавий ишлаш учун алоҳида буйруқ чиқарилиши шартми?

Албатта, ходимни масофавий ишга вақтинчалик ўтказишда иш берувчи томонидан вақтинчалик ишга ўтказиш ҳақида муддати кўрсатилган буйруқ чиқарилади.

Масофавий ишга ўтаётганда меҳнат шартлари қандай белгиланади?

Масофавий ишга ўтказилганда иш берувчи ва ходим ўртасида илгари тузилган меҳнат шартномасига тегишли ўзгариш

киритилади. Меҳнат шартномасида масофавий ишлаш давридаги меҳнат шартлари келишиб олинади.

Иш вақтинчалик даврийлиги ва тартиби қандай белгиланади?

Бундай ҳолда, ходим ишлаб чиқариш топшириқининг ҳажми ва меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда иш вақти ва даврийлигини мустақил белгилайди.

Ходим масофадан ишласа, унга ҳақ тўлаш масаласи қандай бўлади?

Масофавий ишда ишловчи ходим иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимланиши ҳисобга олган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир барабар миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Ходимнинг масофавий ишда ишлагани унинг таътилга чиқишига таъсир қиладими?

Йўқ таъсир этмайди. Бундай ҳолда ходим таътиллари жадалига мувофиқ меҳнат таътилига чиқиш, вақтинча меҳнатқа лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларини тўлиқ сақлаб қолади.

## “Ҳеч кимга айтма...”

Исминдаги ҳарфлар қадардир менинг алифбойим.

Кимнидир йўқотмоқ истасанг уни қаттиқ, жуда қаттиқ сев. Шунинг ўзи кифоя.

Хирсингни жилвола, демайман. Фақат унутмаки, ишқ белдан юқорида пайдо бўлади.

## Моҳият

Кичик ИСКАНДАР, турк шоири

Сенга бир сирни айтмайми? Сендан воз кечган лаҳзамдан бошлаб мени сева бошлайсан. Фақат буни ҳеч кимга айтма.

Сенли тушларни шу қадар кўп кўрдимки, натижада воқелик йўқолди, эй севгили...

Турк тилидан  
М. АБДУЛЛАЕВ таржимаси

## Жиноятга жазо муқаррар



Инсон ичкилик балосининг домига тушиб қолмаслик учун курашиб келади. Афсуски, бу офат устидан ҳали галаба қозонилганича йўқ. Аксинча, ичкиликбозликка ружу қўйиш ҳолатлари кўпаймоқда. Албатта, ҳеч ким “туғма ичкуччи” бўлиб дунёга келмайди...

Келинг, сўзимизни бир жиноят иши мисолида давом эттирайлик. Раҳима (исм-шарифлар ўзгартрилган), бир нафар вояга етмаган фарзанди билан оиласидан ажрашди. Ота уйига қайтиб келди. Онанинг вафотидан сўнг акиси Баҳром билан келишолмай қолди. Қунора жанжал чиқарди. Бунга сабаб Раҳиманинг енгилтабиат бўлиб кетганлиги эди. Ҳар гал акиси уни инсофга чакирганида Раҳима нима қилишини билмасди. Ичкиликка ружу қўйди.

насиға кириб, шкафларни ағдар-тўнтар қилди. Уша ерда бирпас ётиб дам олди. Бу орада кизи билан дугонаси келиб, Раҳимани уйга олиб кетишмоқчи бўлишди, аммо у унамади. Кейинроқ ўзим бораман, деди.

Орадан маълум вақт ўтиб, холянини уйига келиб, яна арақ ичди. Ичкилик туфайли Лариса хола ўрталарида ўзаро жанжал кўтарилди. Лариса унинг юзига бир шалапоқ туширди. Бундан Раҳиманинг жаҳ-

тинмай йиғларди. Қариндошларнинг қидирмаган жойи қолмади ҳисоб, лекин кампирдан дарақ йўқ эди. Орадан 5 кун ўтиб, ички ишлар бўлимига бу ҳақда хабар қилинди. Шундан сўнг суриштирув ишлари бошланиб кетди.

Л. Павловани таниган биланлардан жойлашган бўлишиди. Ниҳоят, Раҳима тергов ходимларининг ўткир саволларига тайинли жавоб бера олмай қолди. Қилмишидан пу-

# БУ УТИЛКАГА АНДИ ЙЎЛГАН АХТИҚАРОЛАР

ли чиқди. Хоная беркиниб олиб, жимгина ётди. Кеч тушишини пойлади.

Бу орада ҳовлига кимлардир келиб кетди. Лариса хола уларни кузатиб, ошхонада тақир-туқур қилиб, яна ичкиликка берилди. У анча маст бўлиб қолганидан, зўрга оёқда турар, ўзини бошқара олмай қолганди.

Раҳимага кампирдан еган шалапоғи алам қилиб кетди. Унга қўраб еб қўйгудек тикилди. Ошхонадаги банка ёпқични олиб, Лариса хола ўтирган хонага кирди.

Қарасаки, у мудраганча телевизор кўриб ўтирибди. Раҳима қўлидаги темир буюм билан унинг бошига бор кучи билан тўқиз марта урди. Маст кампир юзи билан ағдарилди. Атрофга қон сачради... Раҳима уни тезда матолар билан ўраб ташлади. Кампир хириллаб нафас олганча яшагача интилаётганди.

қон доғларини артиб ташлади. Туш вақтига яқин Алиса унга кўнгирак қилиб, уйда нима қилаётганлигини, бувиси қаердалигини сўради.

Раҳима Лариса хола тунда Миша амакининг уйига кетганлигини ва уйга эрталаб келган вақтида бувиси йўқлигини айтди. Кечга яқин Алиса ва Саида меҳмондорчиликдан қайтишганида ҳам, ҳеч нарса бўлмагандай юраверди.

Алиса Дилфуза исмли аёлга кўнгирак қилиб, бувисини сўради. Билдикли, бувиси ишга бормаган. Улар бувини кўп пойлашди, келмагандан сўнг учовлон шомага яқин кампирнинг таниши Светанинг уйига боришди.

Света Ларисанинг бу ерга келмаганини, охири маротаба уни ўн кунча аввал кўрганганини айтди. Улар ноумид уйга қайтишди.

Лариса холянинг йўқолганини ҳамма қариндошлар билди. Алиса

шаймон бўлиб, барча воқеаларни сўзлаб беришга мажбур бўлди.

Уйлаб қаралса, воқеалар ҳаммаси ичкилик таъсирида бўлган. Оиладаги тарбия, муҳит издан чиқди. Ака-синглининг муносабатларига дарз кетди. Раҳиманинг вояга етмаган кизи Саида боқувчисиз қолди. Эртага унинг тақдирини нима бўлади? Тўғри, судда Раҳиманинг опаси К.Темирова жиянини ўз қаромоғига олишини билдирди, аммо она бермаган меҳрни хола бера олармикан?

Дарвоқе, Раҳима судда қилмишидан пушаймон эканлигини билдирди. Аммо сўнги пушаймондан фойда бормиди?

Муҳаббат ХОДЖАЕВА, Жиноят ишлари бўйича вилоят суди судьяси

З. ҚЎЗИБОВ, Олий суд матбуот хизмати катта консультанти

## Эълон

### «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 23 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига “Дори-дармон” акциядорлик компаниясининг 01.04.2020 йилдаги №11-13/435-сонли буюртманомасига асосан компания тасаруфидан бўлган қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-мавзе, Гагарин кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 789,0 кв.м бўлган 4-қаватли бинонинг бир қисми ва ертўладан иборат 4-сонли дорихона биноси. Бошланғич баҳоси – 4 245 372 200 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 481-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 495,0 кв.м бўлган 36-сонли дорихона биносининг бир қисми. Бошланғич баҳоси – 2 114 281 900 сўм. 3. Гулистон шаҳри, Сайхун кўчаси, 39-уй манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 217,31 кв.м бўлган 23-сонли дорихона биноси. Бошланғич баҳоси – 485 020 550 сўм. 4. Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 1918,32 кв.м бўлган 3 қаватли 26-сонли дорихона биноси. Бошланғич баҳоси – 8 003 891 900 сўм. Кўчмас мулкларнинг бошланғич баҳоси ҚҚСни инобатга олган ҳолда белги-ланган.

Юқоридagi кўчмас мулклар 2020 йил 23 апрель куни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 8, 25 май, 9, 24 июнь ва 9, 27 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш исти-момини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт: – юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда расмий-лаштирилган ишончнома, 23-сонли шахсини тасдиқлайди-ган ҳужжат нусхаси илова қи-линган ҳолда; – жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда расмийлаштирил-ган ишончнома, унинг шах-сини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳол-да.

Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, яшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 15.00 гача қабул қилинади. Шунингдек, ҳозирги кунда Республика ҳудудида жорий қилинган карантин ҳолатини инобатга олиб, талабгорлар буюрт-маномаларни www.capitaltrust.uz. портали орқали электрон тарзда юборишлари мум-кин. Буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Савдо галибига аукцион савдоси натижалари бўйича галиблик баённомаси им-золанган сандан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси им-золаш мажбурияти юклати-лади. Закалат пулини тўлаш учун реkvизитлар «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ АТ “Xalqbank” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. Ҳ/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикфол кўчаси, 34 уй. Телефон: +998-71-236-25-53. +998-98-000-34-24. +998-71-230-10-49. Лицензия RR – 0298.

# Китоб ~ БОЙЛИК

## сотиб олингани эмас, ўқигани



Муҳаммад ал-Муқаддам роҳимахуллоҳ ўзининг "Улуғвул Ҳимма" номли китобида айтиди:

"Бир киши ҳомиладор хотиндан кутубхонадан бир китобни келтириб беришини сўрайди. Хотин кутубхонага китобга борганида китоблар орасида уни тўлғоқ тутиб ўша ерда фарзанди дунёга келади. Кишилар унинг боласига "Ибнул кутуб" яъни, китоблар ўгли деб лақаб қўйишади.

"Ибнул кутуб" лақабини олган бола буюк имом, аллома Жалолиддин Сулейтон раҳимахуллоҳдир. У зотдан умматга олти юзга яқин китоб мерос бўлиб қолди.

Сир эмас, имом Сулейтон

китобларга ошиқ оила бағрида тугилди. Унинг отаси ҳам, онаси ҳам китоб ўқишга ошиқ эди.

Бир нарсани билишимиз кераки, ўқийдиган, зиёли хо-

Даъватчилар шайхи бўлмиш Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғиллари тўфонда гарқ бўлди. Буюк даъватчи Лут алайҳиссаломнинг хотинлари куфрда эди.

тўлдириб "Мен сизнинг буюк Роббингизман" деб бақирган Фиръвоннинг хонадонидан эди.

Аммо бу мисоллар умумий қоидадан истисно қилинган хос қоидалардир.

Умумий қоида эса "покизалар покизаларга" деган қоидадир. Болалар ўзлари яшайдиган муҳитнинг натижаларидир. Ўқишни севадиган ота-онадан камдан-кам ўқишни севмайдиган болалар дунёга келади.

Фарзандлар қиз бўладими, ўғил бўладими, улар экин экиладиган ерга ўхшашади. У ерга нимани ташласанг шуни йиғиб оласан. Арпа эккан киши ҳеч қачон бугдой

*"Китобнинг қиймати унинг ҳаётида туршида эмас, хонадон соғиб-лафинини ақлида туршидадир."*

надондан чиққан ҳамма фарзанд ҳам ўқимишли ёки зиёли бўлиб қолмайди.

Ҳоҳ илмилар хонадонидан жоҳиллар ҳам чиқади. Оддий авомнинг уйдан олим чиқиши ҳам мумкин.

Бунга муқобил ўлароқ мушрик Озарнинг наслидан муваҳҳид, даъватчи Иброҳим алайҳиссалом дунёга келдилар.

Тарихдаги энг буюк аёллардан бири Осий эса озғини

### Маърифатга йўл

ола олмайди. Ўқиш ва билим деҳқончиликдир. Китобни севадиршига ҳаракат қилиш ва уни ўқишга одатлантириш натижасида бола учун бу нарсани келиб малака ва одатга айланади.

Бунёдкорликнинг энг улуғи инсонни бунёд қилишдир. Мева олишнинг энг гўзали ақл мевасини олишдир. Аллоҳнинг тавфиқидан сўнг ота-онанинг вазифаси ана шудир.

Китоб энг яхши буюмдир. Уйимизда мени энг кўп тортадиган хона кутубхонадир. Китоблар уйни зийнатлаш учун олинмайди, улар билан фахрланилмайди. Китобнинг қиймати унинг жавонда туришида эмас, хонадон соҳибларининг ақлида туришидадир.

Шунинг учун китобни қўлга киритиш ота-онанинг ярим вазифасидир. Аммо бу ярим вазифанинг осон томонида. Қийини эса фарзандларни ўқишга одатлантириш, ўқиган нарсалари ҳақида улар билан фикрлашиш, уларнинг ёшига муносиб, ўзига сингдирга оладиган китобларни танлаб беришдир.

Фарзандларимизни "Ибнул кутуб" яъни, китоблар ўғли қилиш бизнинг ишимиздир.

**А. ПОЛВОНОВ**

### Бугуннинг ҳақиқатлари



Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Халқ шоири

## Инсон ўзини....

Собиту сайёрада  
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.  
Мулки олам ичра бир  
Ҳоҳон ўзинг, султон ўзинг.

Собит ўз маъвосида,  
Сайёр фазо дунёсида,  
Коинот саҳросида  
Карвон ўзинг, сарбон ўзинг.

Шамс — дил тафтингдадур,  
Сайёралар кафтингдадур,  
Кенг жаҳон забтингдадур,  
Богбон ўзинг, посбон ўзинг.

Бу ёруғ дунё нодур?  
Кошонадур, вайронадур,  
Сенга меҳмонхонадур,  
Меҳмон ўзинг, мезбон ўзинг.

Бунда оқ бирла қаро,  
Зулмат, зиё, шоху гадо,  
Жанг қилурлар доимо,  
Ул ён ўзинг, бул ён ўзинг.

Сен бало, ҳам мубтало,  
Хайр ила кин, росту риё,  
Фитнагар оламаро  
Фаттон ўзинг, қурбон ўзинг.

Гоҳ адолат боғида,  
Пири адоват гоҳида,  
Ўз дилинг дараҳида  
Шайтон ўзинг, гилмон ўзинг.

Хормисан ё гулмисан,  
Тождормисан ё қулмисан,  
Чугзмисан, булбулмисан,  
Нодон ўзинг, хушхон ўзинг.

Бу ҳаёт ўрмон экан,  
Жон борки, қасди жон экан,  
Бунда қатл осон экан,  
Сиртлон ўзинг, жайрон ўзинг.

Бу ҳаёт уммон экан,  
Уммон абад гардон экан,  
Қатрадек сарсон экан,  
Сарсон ўзинг, гардон ўзинг.

Машъали фикрат — сенинг,  
Ҳам чангали ваҳшат сенинг,  
Ғайрату ғафлат сенинг,  
Жавлон ўзинг, урён ўзинг.

Қилдинг уйда хиром,  
Ҳам ерда қон тўқдинг ҳаром,  
Ушбу ҳолидан мудом  
Хандон ўзинг, вайрон ўзинг.

Миндинг илм нарвонига,  
Чўқинг фунун осмонига,  
  
1973 йил

Бу жаҳон айвонига  
Аркон ўзинг, вайрон ўзинг.

Заррани ижод этиб,  
Даҳшат бало бунёд этиб,  
Оқибатни ёд этиб  
Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг.

Боғи арз обод эрур  
Сендин агар имдод эрур,  
Йўқса у барбод эрур,  
Тўфон ўзинг, тўғон ўзинг.

Сен ҳилол, юлдуз, салиб,  
Таврот, Забурдин юксалиб,  
Боймисан ёки гариб,  
Комрон ўзинг, яқсон ўзинг.

Ким фаранги, ким ҳабаш,  
Ирқ, қон талаш, имон талаш,  
Шулми инсондек яшаш,  
Армон ўзинг, афгон ўзинг.

Мамлакатга мамлакат,  
Миллатга миллат бўлса қасд,  
Қилгучи сўнг оқибат  
Армон ўзинг, афгон ўзинг.

Онаизоринг — замин,  
Танҳо йўғу боринг — замин,  
Ҳаста беморинг — замин,  
Ўғлон ўзинг, дармон ўзинг.

Бағрида ётқучи — сен,  
Неъматларин тотқучи сен,  
Ўй бўлиб тотқучи — сен,  
Пайкон ўзинг, қалқон ўзинг.

Марсга тўп отқучи — сен,  
Зухрон уйғотқучи — сен,  
Ўй бўлиб тотқучи — сен,  
Ўйгон ўзинг, уйгон ўзинг.

Келдинг оламга, демек,  
Етмас уни сўрмак, емек,  
Эрни элтигинг керак  
Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг.

Сўзга ҳам поён бўлур,  
Ёзсам яна девон бўлур,  
Рустами дoston бўлур,  
Дoston ўзинг, девон ўзинг.

Бўлмасин субҳинг қаро,  
Бор бўл мудом борлиқ аро,  
Ўзни элтиб доимо  
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.

Эй, сен Эркин, сен Букун  
Ёздинг дилинадан бир туғун  
Сен ким у не даҳри дун,  
Байрон ўзинг, нодон ўзинг.

### Биласизми?

**ФАРЗАНДАРДАГИ ТУГМА ҚОБИЛИЯТ ЙЎҚОЛИШНИНГ 5 САБАБИ**

**Боланинг юзига Буриш миядаги 300 дан 400 гача хужайрани ўлдирди. Аксинча, бошини силаш эса мияда янги хужайралар пайдо қилади.**

**Бола билан суҳбат қуриш эшигининг ёпиқлиги, унинг нутқи ривожланмаслигига сабаб бўлади.**

**Боланинг фикрлари устидан кулиш, бажарилган ишларини тақдирлашлик натижасида ундаги мотивация пайсуб кетади.**

**Электрон ўйинлар ижтимоий ақли, лугавий зийракликни барбод қилади.**

**Боланинг қизиқишларини ҳисобга олмай, уни турли репутаторларда мажбурлаб ўқитиш самарали натижа бермайди.**



Сен шундан қўлингга нафис, Сен шундан қўлингга нафис.

## БУ ЖАВОБ ЕЧИМ ЭМАС...

2019 йилнинг март ойидан 2020 йилнинг январигача маошни беришга фурсат топилмаганимиз, деган савол меҳнат ҳуқуқларимизни ҳимояловчи ташкилотни ўйлантирган бўлиши керак, албатта.

Вазирлик хабарига март ойида иш ҳақи тўлиқ қоплаб берилиши айтилган, аммо март яқунлансада фуқаронинг иш ҳақи ҳали тўлиқлигича тўлаб берилмаган.

Кейинги суриштирувимиз натижаси шуни кўрсатдики, фуқаронинг июль ойидаги маоши қарздорлик ҳисобига киритилмаган. Ташкилотнинг айтишича, пластик картасига тушириб берилган.

(Давоми. Бошланиси 1-саҳифада)

Аммо пластик картанинг 01.01.2019 йилдан 03.03.2020 йил ҳолатига "история"си буни рад этмоқда. Бир ойлик маош экан, дея кимлик қўймай кетадиганлар ҳам бор. Аммо, оддий, ўртамиёна рўзғор учун бу озгина пул эмас! Топиб бўлмас сониялар, кунлар, ҳафталарда қилган меҳнати ҳақини ўзи талаб қилиб ололмаса, меҳнат қонунчилиги бузилса, тегишли мутасаддилар ёрдамга келиши керак эмасми?

Ташкилотдаги бошқа ишчиларнинг кўпчилиги ҳам маошсиз қийналмоқда. "Бошқа шерикларим ҳам неча ойдан

## Мурожаатлар НАҚИҚАТ ONLINE назоратида

бери маош олмайди, лекин улар кимгадир мурожаат этолмайди. Нимагаки, ишдан бўшатиб юборишларидан қўрқади. Мен эса, ўз хоҳишим билан ишдан бўшадим..." дейди мурожаат йўллаган фуқаро. Бошқа ишчилар билан боғланганимизда улардан бири: "Шошманг интервью беришни раҳбардан сўраб кўраман", дейди...

Биз мутасаддиларнинг масалага атрафлича ёндошиб, муаммога қонуний ечим топишларига умид қиламиз.

### Изҳор

Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга синовли кунларда сабр ва матонатли бўлишларини сўраб қоламан. Насиб қилса, бу кунлардан ҳам омон-эсон ўтиб оламиз. Сабаби, юртимизга Яратганининг назари тушган. Тилагим шу — юртимиз тинч, халқимизнинг боши омон бўлсин. Эл-юрт орасида меҳр-оқибат йўқолмасин.

**Ҳасанбой ХОЛМАТОВ,**  
уруш қатнашчиси

## МЕҲР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР

Умрим давомида жуда кўп даврларни кўрдим. Тинчлик қадрини жуда яхши биламан. Уруш қийинчиликларни бошдан ўтказганмиз. У замонлар билан бугунги доруламон кунларни таққослаб бўлмайди, албатта.

Умрим давомида жуда кўп даврларни кўрдим. Тинчлик қадрини жуда яхши биламан. Уруш қийинчиликларни бошдан ўтказганмиз. У замонлар билан бугунги доруламон кунларни таққослаб бўлмайди, албатта.

Давлатимиз ҳамиша биз, нурунийларни авайлайди, биз ҳақимизда қайғуради. Айниқса, 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами арафасида биз учун тадбирлар ташкил қилинади, соғва-саломлар билан йўқлашади.

Тўғриси айтсам, мен бу йил ҳеч қандай рағбатни кутмаган эдим. Чунки ҳозир мамлакатимиз оғир вазиятни бошидан кечирмоқда. Давлат раҳбарининг ҳал қилиши лозим бўлган муаммолари ҳам етарлича. Ахир осон эмасда, бир қарор чиқаришдан олдин

ҳар тарафлама чўқур ўйлаш лозим, айниқса, ҳозир.

Бирок, мен жуда хурсанд бўлдим. Президентимиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонни имзолади. Бундай юксак эътибор учун минг раҳмат.

## ОДАМЛАРГА НИМА БЎЛГАН?

Дарвозамиз кўнгириги жиринглади. Ҳовлимиз анча ичкарида, то етиб келганимиз, кўнгирик устма-уст босилди.

— Мана, ҳозир, — деганча дарвоза эшигини очсам, кўшнимиз турибдилар, юзлари никобсиз, кўлларига коса. Салом-алиқдан сўнг иккиланиб:

— Келинг, — дедим.

— Тоғамникида бутун қариндош-уруғлар йиғилишиб, ҳалим қилувдик, сизларга ҳам илдиним, — дедиларда кўшиб кўйдилар. — Вой, айланай, уйда ҳам никоб тақиб юрибсизми?

— Ҳа энди, бегона келган бўлса-я, деган ҳадидга тақиб олудим, — дедим.

"Яхши ўтказиб олдинларми..." деганимни биламан, кўшним йиғининг бутун тафсилотини гапира кетдилар. Орада зўрга сўрадим:

— Меҳмонлар никобда бўлишгандир?

— Йў-а, ҳаммаси ўзимизники-ку, бегонаси йўқ...

Опани бир амаллаб кузатиб, уйга толдим. Дарҳақиқат, кўшни опанинг энг яқин қариндош-уруғи йиғилса, бегонанинг ке-

раги йўқ, бир ҳовли бўлишади. Албатта, қариндошу жигарларни йўқлаш, борди-келди қилиш улуг фазилат. Аммо, ҳозирги карантин даврида бундай йиғинлар, одам тўлаб тадбир ўтказиш нима-си?..

...Бир дугонам тугилган кунини нишонлашга чақириб, кўнгирик қилиб қолди.

— Шу пайтда тугилган кунга нима бор? — дедим.

— Уйим каттаку, маска тақиб келавер, қизлар билан маза қилиб чақнақлашиб ўтирамиз. Ҳаммалари уйда зерикиб ўтиришибди, барибир, — дейди.

Қанча тушунтирмай, фойдаси бўлмади. Нима эмиш, бир йилда бир марта тугилармиш, келаси йилгача нима гапу нима сўз эмиш... Ана, холос.

Биз намулча бепарвомиз. Қачон ўзимизни, ўз яқинларимизни ўзимиз асрашимиз кераклигини тушуниб етамиз. Ҳеч кимни кўрқитмоқчи эмасмизу бугунги

ҳақиқат шу: бу вирус, энг аввало, ўз яқинларимизга юқади. Бу ҳақда анчадан бери айтилаётти, бонг уриляпти, кетма-кет қатъий чоралар кўриляпти.

Ахир, карантин дегани қамқоқ эмаску?! Бундан ҳам унумли, самарали фойдаланиш мумкинку?! Яқиндагина баъзилар "Иш жонга тегди, қачон таътилга чиқаринман, уйда қиладиган ишлар йиғилиб кетган", дея нолишарди. Ҳозир баҳор, айна йиғилиб қолган ишларни бажариш, ҳовли-жойларни саранжомлаш, томорқага қараш, уйларни тозалаш пайти. Орада дам олиш, китоб ўқиш, яхши фильмларни томоша қилиш учун ҳам вақт етарли.

Шундай экан, вақтинчалик бу вазиятдан унумли фойдаланайлик, уйда қилиб, ўзимиз ва яқинларимизни асрайлик. Қариндош-уруғларимизни эса, ҳозирча кўнгирик қилиб, йўқлаб турайлик.

**Кумуш ИГАМБЕРДИЕВА**  
/ Тошкент ҳақиқати /



**Бугуннинг тасвири**

Қаҳрамонлар дунёни қутқаришга уринаётганда, нодонлар уларнинг ишини оғирлаштирилади!

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида теришти ва Тохир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Аллома АЗИЗОВА**  
Назоратчи мусаҳҳих **Дилфуза САИДЖАМОЛОВА**  
Навбатчи **Равшан БАЙЖАКОВ**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Манзилимиз:  
111500, Нурафшон шаҳри,  
Тошкент йўли кўчаси, 90.  
Тошкент шаҳридаги  
офисимиз:  
100000, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85  
Қабулхона:  
(факс)  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
(71) 233-70-10  
Масъул котиб:  
(71) 233-90-82  
Бўлим муҳаррирлари:  
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:  
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10  
Электрон почта: toshkenthaqiqati@mail.uz /lll th-pt@inbox.ru